

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ

Мамиров О., ГулДУ ўқитувчиси

Таниқли рус археологи А.В.Арциховский «Тарихда ҳеч нарса изсиз йўқолмайди. Тарихий ҳодиса на архивларда, на солномаларда ўз изини қолдирмаслиги ҳам мумкин, аммо у содир бўлган ҳудуд заминиди бундай из қолдиради ва бу изни топиб ўрганиш археологларнинг ишидир», деб, археологларнинг хизматини юқори баҳолаган. Археологик тадқиқотлар натижасида цивилизацияларнинг моддий-маданий ёдгорликлари аниқланиб, турли тарихий даврлар моддий маданияти ҳақида аниқ тасаввурлар ҳосил қилинади. Марказий Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври тарихини ўрганишда ҳам тарихий ва маданий ёдгорликлар алоҳида ўрин тутди. Айнан археологик ёдгорликларни, ёхуд моддий артефактларни ўрганиш асосида аждодларимизнинг моддий ва маънавий маданияти ҳақида билимларни йиғиш ҳамда ўтмишимизни тарихий жиҳатдан тиклаш имкониятини беради.

Маълумки, Ўзбекистон Евроосиё ва Марказий Осиёнинг узилмас қисми сифатида археологик ёдгорликларга бой ҳудуд ҳисобланади. Уларнинг хронологик диапозони қуйи палеолитдан то сўнгги ўрта асрларгача, ҳатто XIX асргача бўлган даврни қамраб олади. Бу ёдгорликлар турли археологик маданиятларни ташкил этиб, тарихий артефактлар сифатида цивилизацияларнинг вужудга келиши ва тараққиёти, халқларнинг моддий ва маънавий маданияти, тарихий ўзаро алоқалар характерини, атрофдаги қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни ва ҳоказоларни акс эттиради.

Ўзбекистон ҳудудида ҳам, Евроосиёнинг бошқа қисмларидаги каби, бронза давридан бошлаб хўжаликнинг икки тури ривожланиб, иккита хўжалик-маданий турларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Булар тарихда кўчманчи чорвадор ва ўтроқ деҳқончилик маданияти деб юритилади. Бундан ташқари ўзига хос ярим кўчманчи маданият ҳам айрим ҳудудларда шаклланиб, ўзига хос белгиларга эга эди. Ушбу маданиятларга оид ёдгорликлар Марказий Осиё илк кўчманчи ва ўтроқ аҳолиси тарихи ва маданиятини ёрқин тавсифлаб беришга имкон беради.

Маълумки, Марказий Осиё минтақасининг маданий меросида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги моддий ва маънавий бойликлар билан ўзаро айирбошлаш амалга ошириладиган Буюк Ипак йўлининг ўрни жуда каттадир. Буюк Ипак йўли чорраҳаларида жойлашган археологик ёдгорликларни ўрганиш ҳозирги кунда бу ҳудудда жойлашган мамлакатларнинг тарихий ўрнини тиклайди ва тарихий ёдгорликлар учун масъулиятини оширади. Археологиянинг тарихшуносликдаги роли ва ўрни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг етакчи археологи, академик В.М.Массоннинг қуйидаги сўзлари билан ифодалаш мумкин: “Бирмунча фарқлар ва таҳмин этилаётган тавсифларга қарамай археологиянинг объекти етарлича аниқдир: бу қадимий артефактларнинг ўзи, ўтмишдаги инсоний жамиятлар фаолиятининг турли томонларида моддийлашган предметли ифодасидир. Тарихий-маданий ёки тарихий-социологик характердаги реконструктив ишланмалар тўлиғича археологик фан соҳасига тегишли, десак муболаға бўлмас”.

Археологик объектларини бебаҳо тарихий манбалар сифатида ўрганиш ва сақлаб қолиш аҳамияти муаммосини дастлаб академик В.В.Бартольд илгари сурган эди. В.В.Бартольд методологияси туфайли тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари доирасида, ёзма манбалар билан бир қаторда, археология, этнография, нумизматика, эпиграфика, топонимика ва бошқа ёрдамчи тарихий фанлар ўз ўрнини эгаллаб, улар тарихий манбашуносликнинг, жумладан археологиянинг ҳам узилмас қисмини ташкил этади.

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон археологияси, ҳар қандай минтақа археологик фани каби, тегишли тарихий даврга оид ёзма манбалардаги маълумотларнинг верификациясида жуда муҳим ўрин тутди. Тарихни ўрганиш борасидаги замонавий ёндашувларда тарихни ва маданиятни асл манбалар асосида ўрганишнинг объектив эҳтиёжи юксалиб бормоқда.